

ШАРТНОМА № 4

2022 йил «24» май

Самарканд шаҳри

Самарканд Давлат тиббиёт иниститути академик лицей номидан Низом асосида фаолият юритувчи

Х.И.Махмудова (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади)

бир томондан ва ОАЖ «SABINA-S» номидан Устав (ишончнома) асосида

фаолият юритувчи директор С.З.Кодиров (кейинги ўринларда
Аутсорсер деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуидагилар
тўғрисида туздилар.

I. Шартнома предмети

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган
хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар куни
Буюртмачини академик лицей укувчиларни З маҳал сифатли овкатлантириш

(аутсорсерга ўтказилган хизмат номи)

ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хуқуқий хужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена
нормалари ва коидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига
мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиши муддати:

2022_ йил «_24_» майдан.

2022 йил «31_» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган
Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган хисоб-фактура имзоланиб Буюртмачи
Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк хисоб-ракамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг
Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

II. Томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Аутсорсер қуидаги хукукларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулқдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳозлаш ва
таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан
чикиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вактида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар натижасида фойда олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Конун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.2. Аутсорсер қуидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, саклаши,
носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатища техника, ёнгин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария коидалари,
нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини
таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳакида буюртмачини икки ой олдин ёзма равиша огоҳлантириш, ушбу муддат
тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишини таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда
кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиши жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар
сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида
белул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатлизлиги, хизматларни бажариш учун вактинча фойдаланишга бериладиган ишлаб
чиқариш (хизмат кўрсатиши) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария коидаларига
жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф
этиш бўйича конуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, кўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш хукукини берувчи тегишли
хужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан)
ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг худудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя
қилиш мажбуриятини юклиши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиши бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи
шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вактинча фойдаланишга

топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огохлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишини (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуидаги хукукларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огохлантириш, бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуклар.

2.4. Буюртмачи қуидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камидан бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

III. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи 392 800 000 (Уч юз туксон икки миллион саккиз юз минг сумни ташкил этади

3.2. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги қиймати бўйича бир ойда камидан амалга оширилади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йигма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган микдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташабbusи билан қайта кўриб чиқилади.

IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф килишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хукукий хужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чоракда бир маротаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва инишотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратиш.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон қадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан ҳал этиб бўлмайдиган ҳолатларда, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф килиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда судга кўриб чиқиш учун берилади.

VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгид бўлмас куч, яъни табиий оғатлар, табиий ва техноген тусдаги фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган

муддатта сурилади.

VII. Якуниловчи қоидалар

- 7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартериш ва қўшимчалар фактат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳакикий хисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас кисмини ташкил этади.
- 7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
- 7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

VIII. Шартноманинг амал килиш муддати

- 8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан кучга киради ва бир календарь йили давомида ёки муддатидан олдин бекор килингунинг кадар амал килади.

IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»

ОАЖ «SABINA-S»

Сам ш Шомурод кучаси 22 уй

X/p: 202080000036215992001

банк ОАТБ Ипак Йули банк

МФО : 00283 ИНН : 202 450 329

ОКЭД 71 300

Директор:

С.З.Кодиров

«Буюртмачи»

Сам ДТИ академик лицей

Сам ш В Абдулло 14 уй

ш/xp: 400810860184017092500054001

Марказий банк XKKM Тош ш бosh бошкармаси

МФО : 00001 SABINA-S ИНН : 205 313 756

ОКЭД 71 300

Информатика

Х.И. Махмудова

Ҳуқуқшунос

Тухтаев Н

Лицензия (диплом) № 528127

«10» июнь 2011 й

Ҳуқуқшунос

Лицензия (диплом)
санаси:

«_10_» _06_ 2011 й

№ _____

берилган

Илова № 1
24 май 2022 йил № 4 шартномага

тап №	хизмат курсатиш тури	улчов бирлиги	Укувчилар сони	Бир суткалик овкатланиш нархи	кунлар сони	кутилаётган умумий сумма
1	2	3	4	5	6	7
1	Укувчиларни сифатли уч махал овкатлантириш	киши	200	12671	155	392 800 000



Директор:

"Аутсорсер"
ОАЖ "SABINA-S"

Кодиров С



"Буюртмачи"
Сам ДЕУ академик лицей

Махмудова Х.И



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”
САМДТУ академик лицей ижрочи
директори, комиссия раиси**

Makhmudova

Х.И. Махмудова

Академик лицей биносида ауксорсенг хизматлари кўрсатиш бўйича хизмат
кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида танлов ўtkазиш бўйича комиссия
йиғилиши
БАЁНИ

Самарканд шаҳри

« 24 » май 2022 й.

Раислик қилувчи

Х.И. Махмудова

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Т. Ортиков
К.Жиянкулов
М.Ашуррова
Ф.Маматкулов

Комиссия аъзоси, бош хисобчи
Комиссия аъзоси, МИБДУ
Комиссия аъзоси, бош тарбиячи
Комиссия аъзоси, ЁБИБДУ

О.Мусаев

Котиб, инварматика фани уқитувчisi

КУН ТАРТИБИ:

Лицей укувчиларини уч махал сифатли овкатлантириш ,хизматлари
бўйича

Дирекция томонидан 2022 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси
Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига Ауксорсинг хизмати
бўйича укувчиларни уч махал сифатли овкатлантириш хизмат кўрсатиш
бўйича №84436-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича
2022 йил 20 майдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш
бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали
шаклланган “Ауксорсинг хизмати бўйича укувчиларни уч махал сифатли
овкатлантириш хизмат кўрсатиш ” баённомасига асосан эълон якунига кўра
Комиссия аъзолари томонидан МЧЖ “SABINA-S” корхонаси ғолиб деб
топилганлигини инобатга олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат
харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига

асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимиға мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиға жойлаштирилган баённома бүйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лицейнинг бош бухгалтери Т.Ортиковга:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 20майдаги электрон баённомасига асосан ғолиб МЧЖ “SABINA-S” корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. ЁБИБДУ Ф.Маматкуловга хизмат қўрсатиш сифат даражаси назорат қилинсин.

Комиссия аъзолари

Т.Ортиков

К.Жиянкулов

М.Ашуррова

Ф.Маматкулов

О.Мусаев